

4-29




Ҳ. ҒУЛОМ

КУБА

ҲАҚИДА

ҲИКОЯЛАР



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1962

„Куба ҳақида ҳикоялар“ совет китобхонига эрк ва саодат учун курашда енган, енгаётган, енга оладиган, бу йўлда мислсиз жасурлик ва шижоат кўрсатаётган Куба халқи ва унинг фарзандлари ҳақида самимий ҳикоя қилади.

Бу асар хотира сифатидагина эмас, маълум бир ғояни қизиқарли сюжет, ҳароратли образларда берилиши билан ҳам бадиий қимматга эгадир.

Ғулом Ҳ.

Куба ҳақида ҳикоялар. Т., Ўзадабийнашр, 1961.

68 бет.

Гулям Х. Рассказы о Кубе.

КОМАНДАНТЕ ФИДЕЛЬ*

Нубага кимки келмасин, даставвал, Фидель Кастрони бир кўрсам дейди. Биз ҳам, табиий, Кубага кела туриб йўл-йўлакай шу умидни бир-биримизга айтар, афсонавий орол халқининг қаҳрамон раҳбарини бир кўришни орзу қилар эдик.

Гаванада «Ҳабана либре» («Озод Гавана») меҳмонхонасига қўндик. Бу меҳмонхона Куба революциясидан илгари Хилтон деган бойнинг мулки бўлиб, «Хилтон Гаванаси» деб аталган. Энди у халқ мулки, чет эл меҳмонлари тушадиган кўркам меҳмонхоналардан бири.

Декабрнинг охирлари. Кубада қиш: иссиқ йигирма беш-ўттиз даражага тушиб қолган. Ўқтин-ўқтин ёмғир ёғиб туради. Кубаликлар бу фаслда денгизда чўмилишмайди, ахир, қиш-ку!

Москва ёзидан иссиқроқ бўлган Куба қишининг қуёшли кунларидан бирида меҳмонхона қаватларидан бирининг кенг айвонидаги

* Команданте — Ҳарбий унвон — майор, Куба революцион армиясида энг юқори лавозим.

зангори ҳовузда чўмилдик-да, апил-тапил кийиниб, биринчи қаватдаги меҳмонлар йиғилишадиган залга шошилдик.

«Ҳабана либре» чумоли уядай қайнаяпти. Куба революциясининг икки йиллиги байрамида қатнашиш учун келган меҳмонлар бир-бирлари билан танишиб, суҳбатлашапти. Хитой Халқ Республикасининг Го-Мо-жо бошлиқ делегацияси, Чили шоири Пабло Неруда, Америка журналисти Жозеф Норт, Эквадор жамоат арбоблари, Ганти ёзувчиси Алексис... яна қанчадан-қанча танишларимиз биз билан қучоқлаша кетишди.

Гаванага шу бугун келган кишилар кеча, аввал куни келганлардан Фидель Кастрони кўрган-кўрмаганликларини сўрашар, уни кўриш йўлларини ахтаришарди.

Биз ҳам новча, қора йигит Алексисдан:

— Командантени қандай кўрса бўлади?— деб сўрадик.

— Кечикдингиз,— деди Алексис, йирик, қора кўзларини чақнатиб.— Фидель ярим соат бурун шу ерда эди.

— Йўғе?

— Ҳа!

— Команданте Фидель адъютанти билан кириб келди,— аста жилмайиб, ҳикоясини бошлади Алексис.— Иккинчи қаватдаги ошхонага чиқди. Ошпазлар отнинг калласидай бифштексни селоваси билан қовуриб келгунча Фидель ўзини кўришни истаган кишиларнинг ҳаммаси билан бемалол суҳбатлашди. Кейин уларни овқатга таклиф қилди. Овқат устида ҳам қизгин суҳбат, ҳазил-мутойиба, қаҳқаҳа давом этди. Эндигина кетди-я!

Бу ҳикоядан жуда таъсирландик. Эртаси куни овқат вақтидан анча илгари меҳмонлар залига кириб, командантени кута бошладик. Бу гал у келмади. Умидимизни узиб ишимизга кетдик.

Эртаси эрталаб америкалик дўстимиз Жозеф Норт бизга телефон қилиб:

— Тунда нега келмадинглар? — деб сўради.

— Қаерга?

— Иккинчи қаватдаги залга!

— У ерда нима гап бўлди?

Жозеф бизнинг ҳеч нарсадан хабарсиз эканлигимизга қаноат ҳосил қилиб, тушунтира кетди:

— Кечаси Фидель келди. Чет эллик меҳмонлар уни қуршаб олишди. Фидель уларни иккинчи қаватдаги залга бошлади. Ҳа-ҳу дегунча юз элликка яқин одам гиламга дара қуриб ўтириб олди. Савол-жавоб бошланди. Фидель меҳмонлар билан тонг отгунча суҳбат қилди. Нимасини айтасиз, бунақа самимий, қизгин суҳбатни биринчи кўришим! — деди, ҳаяжонланиб Жозеф.

Икки қулай пайтни қўлдан берганимизга, командантенинг икки суҳбатидан бебаҳра қолганимизга ниҳоят даражада ўкиндик. Аммо «умидсиз — шайтон» деганларидек, Фидель Кастронинг йўлини ҳамон пойлар эдик. Қутилмаганда, шу вақт командантенинг ўзидан янги йил зиёфатига таклиф қоғози келиб қолди.

Зиёфат шаҳар чеккасидаги собиқ казармалардан бирида уюштирилган эди. Бу бино энди Маориф министрлигига берилган. Уму-

ман, ҳарбий казармаларнинг қарийб ҳаммаси мактабга айлантирилган.

Биз зиёфат жойига йўл олдик.

Гавананинг соҳил бўйи йўлларига тўлқин отиб ётган Мексика кўрфази бетинч. Унинг оқ ёлли қора тўлқинлари тинимсиз ҳайқиради. Соҳил бўйлаб тўплар, пулемётлар ўрнатилган. Мудофаачилар денгиз сатҳини зийрак кузатиб туришибди.

Баланд иморатларнинг томларида зениткаларнинг оғзи кўкка қаратилган. Ҳаво ҳужумига қарши жанговар ячейкаларда Халқ Революцион армия жангчилари ҳушёр турибди.

Кўчалардан ўтиб бораётганингизда Халқ милициясининг яшил кийимидаги, елкасига автомат илган қизлар ўраб олишади.

— Сеньор,—деди шу қизлардан бири, қора кўзларида ёш филтиллаб,—янкиларнинг ҳужум хавфи бор. Ярадорларга қон керак бўлади. Қонингиздан бермайсизми?

Шу оддий сўзлардан баданингизда чумоли ўрмалайди. Ойнаванд тиббий пунктга кира-сиз...

Бир соат юрганимиздан кейин янги йил байрам қилинадиган кенг майдон дарбозаси олдида тўхтадик. Автоматчилар таклифнома-ларимизни электр фонарь шуъласига солиб кўришди. Шундан кейин йўл беришаркан, қўлларини мушт қилиб кўтариб табриклашди.

— Янги йилингиз бахтли бўлсин, сеньор! Чароғон майдон устида куба халқ оҳанглари салобатли янграпти.

Хиёбон устидаги аргувон дарахтларига тортилган шиорга Фидель Кастронинг: «Ҳар

бир кубалик Бахт сўзини ўқий олиши керак»—деган сўзлари ёзиб қўйилибди. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир кубаликнинг саводи чиқиши керак.

Ўн бир минг кишига мўлжаллаб дастурхон ясатилган кенг майдонга кириб бордин.

Бу рақамда ҳеч қандай муболаға йўқ.

Революцион ҳукумат янги йил зиёфатига ўн минг ўқитувчини ва бир минг чет эллик меҳмонни таклиф қилган.

Ўн бир минг кишига тахтадан стол-стул ясатилган, оқ дастурхонлар ёзилган. Ўн бир минг варақ хитой қоғозга нон, қази, пишлоқ ўраб қўйилибди. Ўн бир минг кўк шишада апельсин шароби товланяпти. Ўн бир минг қоғоз стаканга муз солиб қўйилибди. Ўн бир минг тунука сурнакча терилган. Қувончингиз кўнгилга сизмай, ёш боладай шўхлик билан ду-дулатганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз. Дастурхон устида ўн бир минг ғалтак ранг-баранг қоғоз лента бөр эдики, турли миллат кишилари уларни бир-бирларига отдилар ва дўстлик ипларининг рамзи бўлган шу ленталар гулдастаси ҳаммани бир-бирига боғлади!..

Ҳали соат ўн бир бўлмасданоқ йиғилганларнинг ҳаммаси команданте Фиделни интизорлик билан кутарди.

Уни — эртага Халқ милицияси кийимини кийиб, мингларча кишиларнинг саводини чиқариш учун тоғларга чиқиб кетадиган ўқитувчилар кутарди. Уни—Маориф министрлигининг томида елкасига автомат осиб юрган соқчилар, зенитчилар кутарди. Уни чиндан

ҳам минг кишидан иборат чет эл делегация-
лари кутарди.

Фидель Кастро янги йилга бир соат қол-
ганда президиум дастурхони олдида сафдош-
лари билан пайдо бўлди. Уни дарҳол мух-
бирлар, фотографлар, операторлар ўраб
олишди. У совет кишилари, Хитой, Бразилия,
Чили, Эквадор, Аргентина ва яна аллақанча
мамлакат вакиллари билан суратга туш-
ди.

Бу новча, барваста, оқиш юзида шижоат
барқ уриб турган кенг пешонали, калта қора
соқолли, беретини чап қулоғига бостириб
кийган хушчақчақ киши бир нафас тинмас,
ҳамма билан сўзлашар, ҳар ким билан гу-
рунглашар, бир дақиқа ўтирмас, узун дас-
турхон ёзилган минбарнинг у ёғидан-бу ёғи-
га юргани-юрган эди.

Команданте Фидель қўлларини дурбин қи-
либ, прожекторлар шуъласига кўмилган май-
донни кўздан кечирар, офицерлар билан қўл
силкиб кўришар, ўқитувчиларга тез-тез қа-
раб қўяр, айни вақтда унинг кўзлари ўйчан,
эҳтимол, сўзламоқчи бўлган нутқи хаёлини
қоплаган эди...

Совет делегациясига майдон тўридан,
президиум яқинидан ўрин берилди. Мен дўст-
ларим билан суҳбатлашиб, баланд саҳнада
негрлар бераётган концертни томоша қилиб
ўтирардим, шу яқиндаги автоматчи қиз ав-
томатини менга узатиб:

— Сенъор, мана бу жаҳаннамни ушлаб
туринг, Фиделни бир суратга туширай! —
деди.

Ҳарбий устав ҳақида баҳслашишнинг

мавруди эмас эди, «жаҳаннам»ни қиз қўлидан олдим.

Қиз минбар тагига бориб, фотоаппаратини тўғрилади-да, командантега қичқирди:

— Фидель, бу ёққа қара, суратингни оламан!

Команданте ўзини ўраб турганлар даврасидан чиқиб, қизга яқинроқ келди-да, ёқимли жилмайди.

Қиз сурат олиб бўлиб:

— Фидель! Фидель! Фидель! — хитобини майдонга ташлади.

Бу хитобга аввал минбар ёнидагилар, кейин бутун майдон жўр бўлди.

Соат 12 да «26 июль марши» янгради. Тўплар ҳайқирди. Мушакбозлик бошланиб, қорамтир осмон олов гулдасталаридан ёриди. Ун минг ўқитувчи Куба революцион гимнини оёққа туриб айтди.

Янги йил кирди.

Фидель Кастро меҳмонлар билан, сафдошлари билан, ўқитувчилар билан қучоқлашиб кўришар, уларни янги йил билан табриклар, бироқ у нечундир тоқатсизланар, кимнидир кутаётгани сезилиб турарди...

Ниҳоят, команданте кимнидир кўриб қолиб, ўзини ўша киши келаётган томонга отди. Иккита автоматчи муҳофазасида минбарга унинг дўсти, сафдоши, оғир сафар ва машаққатли жанглардаги ҳамроҳи команданте Че Геварра кўтариларди.

Бутун майдон қийқириғи остида икки қадрдон дўст қучоқлашиб кўришишди.

Кубаликлар ҳаддан зиёда севган кишиларини эрқалаб: «Че!»—дейдилар. «Че!»—«Эй,

дўст!» демакдир. Геваррани бутун халқ «Че!»—деб суяди.

Куба халқи сўнгги революциясининг тўрт миллий қаҳрамони бор. Булар: Фидель Кастро, Камило Сьенфуэгос, Эрнесто Че Геварра ва Раул Кастро.

Камило Сьенфуэгоснинг ақлли кўзлари энди фақат портретлардан тикилиб турибди... Бултур муҳим иш билан самолётда учиб кетиб, океан устида ғойиб бўлган. Қаттиқ довул турган кеча эди... Ҳалок бўлган.

Команданте Раул ҳозир узоқда; Америка ҳарбий базаси Гуантанамо яқинидаги Сант-Яго тоғларида, ватан мудрофаасида турибди...

Команданте Че Геварра ҳам худди шундай муҳим жабҳадан келди шекилли, Фидель Кастро уни кўриши билан, чеҳрасига аллақандай қувонч ёйилди. Шундан кейингина у минбарга кўтарилди.

Фидель Кастро нутқининг сеҳри ҳақида кўп таърифлар эшитганман. Одамлар командантенинг тўрт соат, беш соат, олти соат сўзлаганини, аммо шу олти соат олти минутчалик ҳам сезилмаганини айтишар, ҳайратда қолиб, ёқа ушлашарди.

Мен энди Фиделнинг сўзлаётганини ўз кўзим билан кўрдим, ўз қулоғим билан эшитдим. Рост гап шуки, Фидель Кастро нотиқ сифатида чиндан ҳам сеҳргар. Мен шу хулосага келиш билан, ана шу сеҳрнинг сирини ахтардим. Биргина мен эмас, Фидель нуткидан сеҳрланган бошқалар ҳам шу муаммо устида бош қотиришди.

Команданте Фидель нутқининг сирининг ҳаққонийлигида, баён қилинаётган ҳақиқат-

нинг гўзаллигида, фикрнинг бутунлигида мантиқнинг зўрлигида ва, ниҳоят, буюк бир эҳтирос билан жўшган оҳангда эди.

Янги йил кечаси Фидель фақат халқ маорифи ҳақида гапирди. Яъни, у нима тўғрисида сўзламасин, бутун мақсад халқ маорифига қаратилди.

Нотиқ аввало революциянинг учинчи йили — халқ маорифи йили бўлажагини айтди. Янги йил зиёфатига ўн минг ўқитувчи чақирилгани бежиз эмас. Мамлакатдаги ҳар уч саводсизга бир муаллим тайёрланган. Агар булар кифоя қилмаса, Революцион ҳукумат ҳар бир саводсизга биттадан муаллим етказиб беришга ҳам қодир.

БМТ Лотин Америкаси халқларининг саводини 10 йил ичида чиқариш программасини белгиллаган эди.

— Биз халқ саводини икки йилда чиқарамиз,—деди команданте Фидель.

Янги йил арафасида Перу ҳукумати Куба билан алоқасини узганини айтиб:

— Хўш,—деди Фидель,— биз билан алоқасини узган Перу ҳукумати ўз мамлакатидаги бечора халқнинг саводини қачон чиқаради?

Фидель Кастро Куба билан алоқасини узмоқчи бўлган Уругвай ҳукумати адресига ҳам ана шундай ҳаққоний савол ташлади.

Ниҳоят, ўз фикридан хулоса чиқариб:

— Куба — Лотин Америкаси халқлари учун намунадир!—деди.

Майдонда: «Куба — територио либре де Америка» (Куба — Америка қитъасининг озод еридир!», хитоби янгради.

Команданте Фидель оташин нутқини сўзлаётган дақиқаларда Гавана қирғоқларида, Сьерра Маэстра тоғларида, Камагуэй қишлоқларида, Сант-Яго сувларида, Тринидад кўчаларида Революцион армия ва Халқ милициясининг жангчилари Кубани муҳофаза қиляптилар.

— Агар биз ғафлатда қолсак, тарих бизни кечирмайди.

Фидель окоплардаги ўз ватандошларини янги йил билан табриклади ва нутқини:

«Патриа о муерте!—шиори билан тугатди:

— Ё ватан, ё ўлим!

Бутун майдон шу шиорни мағрур янгради.

* * *

Яшил погонларида қизил юлдуз чақнаб турган командантени биз 2 январь куни яна кўрдик. Кўрдиккина эмас, эрталабдан ярим тунга қадар у билан бўлдик.

Бу кун—аксилинқилобчилар хийла ғимирлаб қолган кунлардан бири эди.

Гавананинг марказий кўчаларидан биридаги «Флогар» кафесида бомба портлади. Бир неча киши, шу жумладан ёш болалар яраланди. Қасалхонада оғир ётган бир боланинг: «Фидель душманларни аяма!»—деган сўзлари «Революсьон» газетасида босилиб чиқди. «Террорчилар деворга михлансин!»—деган шиор тиллардан тушмай қолди. Шаҳар чеккасида яширин бомба устахонаси қўлга тушди. Вилоятлардаги бир қанча шакарпоя-

га ўт кетди. Америка самолётларининг ба-
тистачиларга парашютларда ташлаган қурол-
яроғлари ўлжа олинди.

АҚШнинг Флорида штатида каллакесар-
лар босқинга тайёр бўлиб тургани хабар қи-
линди. Гуантанамодаги америка ҳарбий база-
сидан кўтарилган самолётлар Куба террито-
рияси устидан уча бошлади. Эйзенхауэр Ку-
бага босқин планини маъқуллади.

Хуллас, ана шундай хатарли кунларда
революциянинг икки йиллиги байрам қилин-
ди.

Хосе Мартининг улуғвор ҳайкали тагида-
ги кенг минбар одамларга тўлди. Майдонда
қўшин саф тортди.

Парад соат 11 га белгиланган бўлса ҳам,
Фидель Кастро соат саккиз яримдаёқ май-
донга келган эди. Делегациялар, туристлар,
милиция қизлар, мухбирлар уни икки соатча
қуршовдан чиқаришмади.

Команданте Фидель бу гал катта дурбин
билан қуролланган; шаҳар кўчаларини тўл-
дирган армияни, милицияни, ҳарбий техника-
ни кўздан кечиргани-кечирган эди.

Парад саккиз соат давом этди. Сьерра
Маэстра тоғларида қаҳрамонлик кўрсатган
батальонлар, армия қисмлари, Халқ милиция-
си, танклар, тўплар, зениткалар, миномётлар,
қизлар батальонлари... яна аллақанча жан-
говар қисмлар, даҳшатли қуроллар минбар
олдидан ўтди.

Ниҳоят, кеч кириб, шаҳар чироқлари ён-
ди.

Гавана оқшомининг томошаси ўзи бир
бўлакча нашъа беради. Чироқларнинг занго-

ри тизмалари, яшил нур ирмоқлари, соҳил
мачталаридаги қизил маяклар, оқ шодалар,
новвот ранг шокилалар...

Ана шундай гўзал оқшомда аскарлардан,
ҳарбий техникадан бўшаган майдонга оғир
юк машинаси мажақланган америка ракета-
сини судраб кирди!..

Бўлди шовқин, бўлди қийқирик, бўлди
чапак!..

«Қаноти билан учиб, қуйруғи билан туш-
ган бу ракета Куба тупроғида бечора бир
сигир устига йиқилган ва шу муносабат би-
лан деҳқонлар АҚШ элчихонасига норозилик
билдириб, намойиш қилган эдилар.

Ана энди шу пачоқ ракета қўшмаштат-
лик уришқоқлар шармандалигидан бир ни-
шона бўлиб, озод Куба халқи қаҳр-ғазабини
авж олдириб юборди.

Шу ҳаяжонли дақиқада «Интернационал»
чалинди.

Бир неча юз минг халқ оёққа қалқиб, жа-
ҳон пролетариати гимнини ўнлаб тилларда
янгради.

Халқ тантанаси тобора қайнади.

Милиция аъзоси — новча негр жувон
жингалак сочли қоп-қора чақалоғини боши
устига кўтариб, хитоб қилди.

— Фидель мана бу сенинг бўлажак сол-
датинг!

Команданте чақалоқни кўрди, унга қўл
силкди, жилмайди-да, негр жувонга:

— Бахт учун туғилган боланг!—деди.

Шу вақт 1895—98 йилларда Антонио Ма-
сео ва Хосе Марти билан биргаликда испан
босқинчиларига қарши курашган ветеран чол-

лар минбарга Куба байроғини кўтариб чиқишди.

Команданте Фидель кўзларида севинч ёшлари филтиллади. Ана шунда у ўз нутқини бошлади. Революциянинг икки йили ичида қўлга киритилган ютуқларни қисқа-қисқа, лўнда-лўнда айтиб берди. Чунончи, 200.000 кишининг иш билан таъминланганини айтarkan:

— Кимки иш олган бўлса, қўл кўтарсин!—деди.

Улуғ майдон осмони юз минглаб қадоқ қўлларга тўлди.

Ана шу манзарани кўрган команданте Фиделнинг ўз ҳаяжонини босолмаётгани сезилиб турарди.

— Америка империализми ана шунинг учун бизни бўғмоқчи!

Оломон ҳайқирди:

— Бўғолмайди!

— Патриа о муерте!

— Фидель! Фидель! Фидель!

— Венсеремос! (Енгамиз!)

— Биз ҳар бир уйни мудофаа қиламиз,— деди команданте. Уйлар харобага айланса, харобаларни ҳам мудофаа қиламиз!

Фидель ўз нутқини:

— Ё ватан, ё ўлим!—шиори билан тугатди.

Уч соатлик нутқнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир жумласи кубаликлар юрагига бориб етди. Ундаги мантиқ шу қадар тушунарли эдики, ҳеч қандай изоҳга эҳтиёж қолмади. Фиделнинг айтилгандан кейин қорозга тушадиган нутқининг кучи ҳам шундадир.

Фидель Кастро ўз халқининг қалбини тушушган, шу қалб орзу-умидларини муҳофаа қила билган раҳбар сифатида сеvimли бўлиб қолганига ҳар бир холис киши чин юракдан тан беради.

Гавана томларида ёмғир остида тонг оттираётган автоматчи йигитларни, шаҳар кўчаларини қўриқлаётган милиция қизларни, шакарпояларда тун бўйи мишжа қоқмаётган қуролли деҳқонларни, тоғларда мактаб очётган маэстра (ўқитувчи)ларни кўрганда Фидель кўз олдингизга келади ва Антонио Масеонинг: «Қимки Кубани босиб олмоқчи бўлса, қора қонга бўялган култепани олади» деган оташин сўзлари эсингизга тушади.

Америка қитъасидаги халқ революцияси ғалаба қилган афсонавий орол шундай туйғулар билан яшайпти.

Унинг содиқ фарзанди команданте Фидель шунақа қаҳрамонлик кўрсатапти.

ТОНИ ГАРСИА

Батиста зулми ҳаддан ошган, Куба халқининг сабр косаси тўлиб-тошган кунлар эди. Мамлакатнинг бойлиги бўлган шакарпояларни, қанд заводларни, банкларни, меҳмонхоналар, магазинларни, хуллас, бутун хазина — оролни Батиста Америка монополияларига кўтара сотди. Ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам янкиларники деб эълон қилинди. Яъни балиқчилар эндиликда ўзи учун эмас, америка компанияси учун балиқ тутиши керак. Улар ўз ихтиёри билан денгизга тушиб кўрсин-чи, полиция нима деркин!

Мансанильо балиқчиларининг аҳволи оғир, ҳоли танг бўлиб қолди. Улар янкиларга қул бўлишни истамасди. Натижада йиғилишиб, зулмдан қутулиш чорасини ўйлай бошлашди.

Бундай йиғилишлар, одатда, кечалари Карлос Гарсиа уйда бўларди.

Карлос қирқ беш ёшлардаги, новча, қотма, озгин, чўзиқ юзли, митти қора кўзли, сўзини ўлчаб гапирадиган балиқчи. Унинг виш пальма шоҳлари атрофидаги хонали қора

юборилса—ўт олади, ярқирайди. Ҳар ҳолда Карлос Гарсиа балиқчиларни умидвор қил-
япти. У анов кун:

— Тайёрланиб туринглар, хабар бера-
ман,—деди.

Балиқчилар ана шу хабарни кутиб ёти-
шибди.

Тони бу гапларнинг ҳаммасидан хабардор.
Яқин кунларда юз бериши мумкин бўлган
ҳодисалар унинг хаёлини қоплаб олган; да-
даси балиқчиларга ваъда қилган «хабар»
нинг нималигини ўйлаб, ўйининг тагига етол-
майди.

Тони дадаси билан кўп марта наҳанг овига
чиққан. Унинг пишиқлиги, эпчиллиги дада-
сига ўхшаса ҳам, бўйи паканалиги, қўли кал-
талиги ўхшамайди. Бу жиҳатдан у ойиси Мар-
тага ўхшаб кетади. Аммо балиқчининг бўйи
новча, қўли узун бўлиши керак. Бу фази-
латлар айниқса наҳангни судрашда иш бе-
ради.

Дадасининг ишсиз қолгани Тонига ҳам
таъсир қилди. Бола соҳилда беиш сандирақ-
лаб қолди. Карлоснинг дўстлари йиғиладиган
кечалардагина унга иш топилар, балиқчи-
ларнинг кулбаларига бориб, уларни айтиб
келар, йиғилиш асноси соҳилга тушиб, поли-
ция сержантининг йўлини кўз-қулоқ бўлиб
пойлар эди...

Ана шундай ёмғирли оқшомларнинг бири-
да Карлос Мансанильо портидан ҳаяжонла-
ниб қайтди. Уйга кира туриб, Мартадан То-
нини сўради. Уй орқасида тўнка ёраётган Тони
болтасини тўнкага санчди-да, уйга киришдан
аввал соҳил йўлига қаради: йўл одамлардан

ҳоли, қирғоқда сержант ҳам кўринмасди. Дадаси уни чақирди:

— Антонио!

Тони уйга югуриб кирди.

Карлос манқал ёнида кофе ичар, Марта унинг оғзига қараб турарди.

— Антонио! Балиқчи амакиларингга хабар қил, портга боришсин!

— Хўп, дада!

Тони уйдан чопиб чиқиб кетаётганда дадаси уни тўхтатди:

— Тўхта! Балиқчи амакиларингга: дадам айтган нарсаларни кўтариб олармишсиз, дегин. Ундан кейин, айтгинки, портнинг ўзига эмас, порт тепасидаги балиқ складига — Хулио чол будкасига келишсин.

— Хўп, дада!

— Йўлда сержант учраса, чаплаб ўт!

— Хўп, дада!

Тони қирғоқ йўлига тушиб олиб, чопқилаб кета бошлади. У дадаси балиқчиларга кўп вақтдан бери ваъда қилиб келаётган «хабар»ни олиб бораётганидан ҳовлиқар, шу бугун кечаси юз берадиган воқеани ўйлаб ҳаяжонланар ва айни вақтда унинг митти кўзлари аллақандай йўлбарс кўзидай ёнади.

Тони тўсатдан сержантни кўриб қолди.

Йўғон гавдали, лаблари қалин, юзини тартибсиз калта соқол қоплаган сержант қирғоқда пакана полисмен билан сўзлашиб турар, лекин кўзи Тонида эди.

Тони қадамини секинлатиб, беихтиёр зериқаётган одамдай алламбало бир куйни ҳуштак қилиб чала бошлади.

— Тони!
— Лаббай, сеньор сержант!
— Қаёққа кетяпсан?
— Ўртоғимникига!
— Қайси ўртоғингникига?
— Наварро каптарбозникига!
— Ия-ҳа, Наварроникига дегин!—сержант
ясама кулди.—У ерда нима қиласан?

— Наварро ўлжа каптарларини кўрсата-
ди менга!

— Шундайми?—сержант Тонини бошдан-
оёқ кўздан кечирди.— Бор, бор! Томошадан
қолма!

— Раҳмат, сеньор сержант!

Тони чопқиллаб кетди. У орқасига қа-
ролмади. Шундай бўлса ҳам, сержант шубҳа
билан тикилаётганини, полисменга аллани-
малар деяётганини сезди.

Чиндан ҳам, сержант полисменга:

— Балиқчилар ғимирлаб қолди,—дерди.—
Улар Карлоснинг уйига тез-тез йиғилишяпти.
Ҳушёр бўл. Бинобарин Карлос коммунист бўл-
са ҳам ажаб эмас. Буни сеньор ҳарбий губер-
наторга хабар қилишимиз керак. Хуллас, тўрт
кўз бўлиб тур!

— Хўп, сеньор сержант!

Шу гапларни айтиб, сержант қирғоқдаги
бошқа постларни текширишга кетди.

Полисмен милтиғини елкасига осиб олиб,
қирғоқда ярим соатча юрди. Толди шекилли,
харсангга ўтириб, сигара тутатди. Портни кўз-
дан кечирди. Шакар қоплар ортилган америка
танкери икки марта босим ўкириб, турган
еридан жилди. Порт осмонини қора тутун
қоплади. Узоқларда — денгиз сатҳида кезиб

юрған соқчи катер иллюминаторларида чироқлар ёнди.

Полисмен шу ўтирганича ўтириб қолди.

Орадан яна бир соат вақт ўтди. Боя шивалаб ёғаётган ёмғир тиниб, қорамтир осмонда юлдузлар чақнади. Денгиздан салқин шамол эсиб, баданини жунжитди. Тўлқинлар кучайиб, соҳилга оқ кўпикли сув шалоп-шалоп отила бошлади.

Аллақандай одамлар соҳил йўлидан ўта бошлашди. Агар сержант шу ерда бўлса, уларни бир-бир текширарди. Полисмен бунга ботинолмади. Тўғриси, у балиқчилардан ҳайиқади: бу ишсиз, юпун кишиларнинг кўзларида аллақандай даҳшат ўти ёняпти...

Сержант ўша кетганча қайтмади.

Тун оғди. Йўловчилар ҳам ўтмай қолди.

Денгиздаги соқчи катернинг чироқлари бўлмаса, қиргоқ зулмати полисменни ютиб юборгудай эди...

Ярим кечада Тони ғойибдан пайдо бўлди. У полисмен қаршисидаги харсангга ўтириб олиб:

— Сеньор полисмен, совқотдингизми? — деб сўради.

— Хўш,—деди полисмен, нечундир чўчиб,—тунда нима қилиб юрибсан?

— Сеньор полисмендан хабар олай, ёлғиз зерикмадимикан, деб келган эдим.

— Дуруст бола экансан,—деди полисмен сал ўзига келиб,—айтганингдай, анча салқин бўляпти. Қани энди, қайноқ кофе бўлса!

Тони гапни айлантирди:

— Милтиғингиз отадими, сеньор полисмен?

— Отганда қандог! — Полисмен мақтана кетди. — Икки юз қадамдан манглайни тешадиги!

— Аммо, мен, сенъор полисмен, умримда милтиқ ушламаганман. Агар милтигингизни бир минутга берсангиз, уйимдан қайноқ кофе олиб келардим!

— Йўғ-е, отилиб кетади.

— Тепкисини босмайман, — деди Тони, — ўзи ҳам ажойиб қуролда! Аммо ойим шу топда бурун қонидай кофе қайнатяпти!

— Майли, — деди полисмен, бўш келиб. — Ушлайсан-у, берасан!

— Хўп бўлади, сенъор полисмен!

Полисмен милтиқни елкасидан олиб, Тонига узатди:

— Ҳушёр бўл, отилиб кетмасин!

Тони милтиқни олиб, у ёқ-бу ёғини кўрган бўлди-да, бирдан полисменга ўқталди:

— Қўлингни кўтар! Товушингни чиқарма!

Полисмен қўлини кўтариб, алланарсалар деб, ғўлдиради:

— А... а... с... се... сен...

— Жонингдан умидинг бўлса, олдимга туш!..

Полисмен Тонининг олдига тушди.

Улар склад ёнидаги Хулио чол будкасига яқинлашганда денгиз сатхида чироқлари ўчирилган пароход кўринди. Полисмен тааж-жубланди, чунки у тунда чироқсиз кемани биринчи марта кўриши эди. Унинг юрагига аллақандай ваҳима тўлди...

Тони полисменни будкага ҳайдаб кириб, қуролли балиқчиларга топширди.

— Қани, кетдик! — деди Карлос шерикла-

рига.—Хулио ота, полисменни сизга топширдик.

— Угир,—деди полисменга Хулио чол, милтиғини маҳкам ушлаган ҳолда,—гурунглашамиз!..

Карлос бошлиқ балиқчилар портга йўл олишди.

Бу вақт чироқсиз пароход портга анча яқинлашиб қолган, бухтага аста сузиб кирарди.

Милтиқлар билан қуролланган балиқчилар ўша томонга югуришди.

— Соқчи катер!—деди Карлос, чироқсиз кема томон елиб бораётган катерга ишора қилиб.

— Катерда неча киши бор?—ташвишланиб сўради балиқчилардан бири.

— Йигирматадан ортиқ қуролли полисмен,—деди Карлос ва Тонини чақирди:—Антонио!

Полисменнинг милтиғини елкасига осиб олган Тони дадасининг ёнига келди:

— Лаббай, дада!

— Сержант қаёққа кетди?

— Чекка постларда юрибди.

— Сен қирғоққа чиқ! Сержант кўринса от!

— Хўп, дада!

Тони қирғоққа чиқиб, боягина полисмен ўтирган катта харсанг тагида паналаниб, сержант йўлини, денгизда чироқсиз пароходни қувиб бораётган соқчи катерни, портни эгаллаган қуролли балиқчиларни, уларнинг ичидаги новча дадасини кузата бошлади.

Чироқсиз пароход йўлини ўзгартирди. У соқчи катерга чап бериб, портга кириш ния-

тидан қайтди шекилли, портдан чеккароқдаги ботқоқлик соҳилга йўл олди. Қирғоққа икки юз метрча қолганда пароход ботқоққа ботди. Ундаги қуроли кишилар ўзларини сувга ота бошлашди. Пароходга яқинлашган соқчи катер эса, портни, қирғоқларни, бутун Мансанильони янгратиб, чинқира бошлади. Катердаги полисменлар сувдаги қуроли кишиларга автоматларидан ўт очишди. Сувдагилар жавоб қайтардилар. Отишма тобора кучайди. Портдаги балиқчилар қирғоққа чиқиб, пароходдан тушган кишиларга ёрдамга югуришди.

Ана шу манзарани кузатиб турган Тони бу томонга чопиб келаётган сержантни оз бўлмаса кўрмай қоларди. Сержантнинг бақирғи ёрдам берди. Тони унинг манглайини пойлаб отди. Сержант ерга гурсиллаб йиқилди.

Тони қирғоқдаги харсанглардан ошиб ўтиб, сувда жанг бўлаётган ерга борди-да, катерда кўринган қораларга ўқ уза бошлади. Ўқи тугагунча отди...

— Антонио!—қичқирди Карлос ўғлига.— Йўлга чиқ! Батистачилар кўринса, хабар қил!

Тони қирғоққа сакраб чиқиб, шаҳарга олиб борадиган йўлни кузата бошлади.

Сувдаги жанг шовқини, отишмалар босилиб, пароходда келган қуроли кишилар, балиқчилар, қирғоққа тирмашиб чиқиша бошлашди.

Бироқ шаҳар томондан машиналарда батистачи аскарлар етиб келди. Тони бир ярадор балиқчининг милтиғини олиб, машиналар-

га қараб неча ўқ узганини эслолмайди. Елкасига бир нарса жиз этиб тегди. Қўлини қимирлатолмай қолди. Иккинчи ўқ қулоғини ялаб ачитди... Бола ўзидан кетди...

Чироқсиз пароходда келган қуролли кишиларга қарши батистачилар Мансанильо гарнизонидаги бир нечта батальонни жангга ташлаган эди.

Қирғоқда саҳаргача жанг бўлди.

Қирғоқ ўликлар, ярадорлар билан қопланди.

Бу тенгсиз жангда енгилган революционерлар Сьерра Маэстра тоғларига чекинди...

* * *

Орадан тўрт йилдан кўпроқ вақт ўтди.

Мансанильо портида «Гранма» пароходи денгиз сувларида қалқиб турибди.

«Гранма»ни кубаликлар «Куба Аврораси» деб аташади.

Шу кема — музейга кирсангиз 17 ёшли капитан Антонио Гарсиа революция жарчиси бўлган афсонавий «Гранма» тарихини сўзлаб беради. Биз ҳам январь кунларининг бирида — Мансанильога бориб, «Гранма»да Тони Гарсиа ҳикоясини эшитдик.

1956 йилнинг ўша ёмғирли тунда «Гранма» пароходида Фидель Кастро сафдошлари билан Мексикадан Кубага келган. Улар 82 киши бўлган: Мансанильо соҳилидаги тенгсиз жангдан кейин Фиделчилар Сьерра Маэстра тоғига чекинган, Карлос Гарсиа

ярадор ўғлини елкалаб, ўзи билан тоққа олиб чиқиб кетган.

Куба реакцион ҳукуматининг бошлиғи Батиста америка империализмининг мададига суяниб, революционерлар, партизанлар макон этган тоғларнинг ҳар бир қаричини бомбардирмон қилган.

Халқни, унинг қаҳрамонларини енгиб бўлмайди, албатта.

Икки йиллик қаттиқ курашдан кейин Кубада революция ғалаба қилди.

Мана, икки йилдирки, Америка қитъасидаги афсонавий оролда, янги озод ҳаёт қуриляпти.

«Гранма» парохотида Тони Гарсиа сизларга шуларни ҳикоя қилиб беради.

— Дадангиз саломатми?— деб сўрадик капитандан.

— Дадам команданте, — деди Антонио фахрланиб, — Минас дел Фрио тоғида батальон командири. Озод халқимизнинг тинч меҳнатини қўриқлаяпти.

Сеньор капитан Тони Гарсиа ана шундай азамат йигит!

МАРИЯ ТЕРЕСА

Мария Тереса Фрейре де Андраде китоб машуқаларидан.

Унинг узундан-узоқ ва «де» қўшимчалик исм-аъмолидан маълумки, илдизи қадимги зодогонларга бориб уланади.

Мария Тереса ёшлигида қизлар католик билим юртининг совуқ ҳавосидан нафас олдирилган эди.

Унинг эътиқоди ва кўрган мактабидан қатъий назар, Мария Тереса болалик чоғларидаёқ китобга алоҳида ҳавас қўйди ва ота уйи токчаларидаги қалин муқовали китоблар аллақачон ўқилиб бўлиб, дугоналари хонадонидаги китоб бисотини тита бошлади.

Китобга бўлган ҳавас Мария Тересани кутубхонага олиб келди.

Шу ерда кичик бир изоҳ бериш керак бўлади. Яъни, Мария Тереса фамилиясидаги қўшимчалар авлод илдизининг бақувватлигидан далолат берса ҳам, давлатнинг зўрлигидан далолат бермас, бинобарин, унинг оиласи ўртамиёна турмуш кечиранди.

Шу сабабдан ҳам, Мария Тересани кутубхонага ишга киришга бир жиҳатдан кекса отага ёрдамлашиш зарурияти мажбур қилди.

Миллий кутубхона! Гавана марказидаги энг буюк бино. Албатта, шаҳарда, айниқса, Мексика кўрфази соҳилларида 20—30 қаватлик бошқа иморатлар ҳам бор. Аммо Миллий кутубхона биноси фақат 15 қават бўлишига қарамай, Гавана киндигидаги тепалик кўкисида, Хосе Марти монументи ёнбошида бошқа жами бинолардан юқорироқ, салобатлироқ кўринади.

Мария Тереса ана шу хазинага юрагини ҳовучлаб, ибодатхонага киргандаги қўрқув билан кириб келди.

Уни кутубхона директорининг қабулига олиб киришди.

Директор камгап киши экан. Ўзи шунақа одамлар бўлади: гапирмаса ҳам, айтмоқчи бўлган гапи билиниб туради. У Мария Тересани бошдан-оёқ кўздан кечириб, мийиғида совуқ жилмайди-да:

— Маъқул,—деди.

Мария Тереса кутубхона биносини қават-ма-қават айланди. Бу бино шакарпоялардаги деҳқонлар етиштирган ҳар бир қоп шакарга солиқ солиб қурилганини у яхши билар, бу ердаги китобларнинг ҳарфлари унга бечоралар тўккан қора тер томчиларини эслатиб турарди.

Мария Тереса бўм-бўш залларга биринкетин кирди. Баъзи бурчакларда қора ридо кийган роҳиблар китоб варақлар, у ер-бу ерда олимлар қўлёзмаларга қабарик шишалар орқали тикилиб ўтирарди, бошқа ҳеч ким йўқ.

Полкалардаги китоблар узоқ йўллардаги аллакимларни кутиб ётгандай ҳорғин муд-

рар, уларга кўпдан бери қўл тегмагани аён эди.

Мария Тересани бадий адабиёт бўлимига қўйишди. У ҳар куни эрталаб келиб, катта зал бурчагидаги стол ёнига соядек ўтирар, антик олам садоси бўлган Гомерни қайта-қайта варақлар, ёки Данте «Жаҳаннам»ини қўлига олиб, Беатриче қалбининг нозик қўшиқларини тингларди. Гоҳ-гоҳ аллақайси ёш шоир келиб, илоҳий севги дostonларини сўрар, ёки бирор кекса олим қадимги қўлёзмаларни ахтарарди.

Ҳайҳот, оролда чумолидай қайнаётган кишилар қаёқда? Гавана кўчаларини тўлдириб, эртаю кеч ҳаракатда бўлган халқнинг бу ердаги ноёб ҳазина билан иши йўқми?!

Шу саволлар Мария Тересани қийнайди ва буларга жавоб тополмай, эзилади.

Кутубхонада бошқа қизлар ҳам ишлайди. Лекин Мария Тереса улар билан баҳслаша олмайди. Овозини чиқарган бир қизнинг ишдан ҳайдалгани унга маълум. Бунинг устига, директор ходимлар билан суҳбат ўтказиб, мамлакат нотинч бўлиб қолганини, оёқяланг қашшоқлар бош кўтараётганини айтди-да, сиёсатга аралашган ҳар бир хизматчи дарҳол ишдан бўшатилажагини билдирди.

Ойлар, йиллар бир-бири кетидан тизилиб Миллий кутубхонанинг залларидан имиллаб ўтди.

Мария Тереса қариди.

У элликдан ошган вақтда Кубани кўзғолонлар алангаси қамраб олди.

Мансанильо портидан Сьерра Маэстра тоғларигача, Гаванадан Сант-Яго-де-Кубагача

виллоятлар, шаҳарлар, йўллар жанг майдонига айланди.

Тоғларни макон этиб, жаллод Батиста қўшинини қақшатаётган соқоллиларни Миллий кутубхона директори ваҳшийлар деб атар, аммо ўзи эртаю кеч радиога қулоқ солиб қалтирагани-қалтираган эди.

Кунлардан бир кун ана шундай соқоллилардан бири кутубхонага кириб келди. Лифтга чиқди. Билибми, билмайми, ҳар қалай, кинокалардан бирини босди. Лифт эшигини очиб, кенг залга кирди-да, фавқулодда Мария Тересага дуч келди.

— Сеньора, салом,— деди соқолли киши, қалпоғини бошидан олиб.

Мария Тереса ўрнидан туриб, елкасига автомат осган соқолли кишига қўл беришни ҳам, бермасликни ҳам билмай, ҳайқалдай қотиб қолган эди.

— Қўрқманг, сеньора,— деди соқолли киши.— Мен наҳанг эмасман. Одамман. Сиз Мария Тереса Фрейре де Андраде бўлсангиз керак?

— Ҳа... Ҳа...— деди Мария Тереса тили тилиб.

— Директорни ҳам, ходимларни ҳам шу ерга чақиринг.

— Ҳўп, сеньор.

Мария Тереса хизматчиларни айтиб келгунча соқолли киши жимжит залдаги китоб полкаларини кўздан кечирди, бир-иккита китобни қўлига олиб варақлаб кўрди ҳам.

Залда ҳамма оёққа туриб қолди.

Кутубхона ходимларини олабўжидай қўр-

Команданте чехрасида яна ёқимли табас-
сум пайдо бўлди.

— Саволлар борми?—деб сўради у яна.

— Савол йўқ.

— Раҳмат, сеньор команданте.

Команданте Мария Тереса билан қўл бе-
ришиб хайрлашаркан:

— Сеньора, ёрдам керак бўлса, Иқтисод
министрлигига мурожаат қилинг,— деди.

Кутубхона коллективи командантени
лифтгача кузатиб қўйди, кўзига севинч ёшла-
ри тўлган Мария Тереса эса:

— Биздан Фиделга салом айтинг,— деди,

* * *

Қани у совуқ заллар.

Қани у ҳайронлик, жимжитлик, чивин уч-
са, бузиладиган сукут?

Одамлар юраги тубида тош бўлиб қотган
орзулар бирдан эриб, қайнаб, шарақлаб оти-
либ чиқа бошлади.

Иш кўплиги, саволлар довулидан Мария
Тересанинг боши гангиди.

— Одамлар оқиб келяпти. Кутубхонага ки-
рита берайликми?

— Маркс асарларини сўрашяпти. Қаер-
дан оламиз?

— Бизда Горький романлари борми?

— Болаларга китоблар етишмаяпти. Нима
қиламиз?

Кутубхона қаватлари, заллари, йўлакла-
рида эртаю кеч ғовур-ғувур, ҳаракат...

Мария Тереса Иқтисод министрлиги ҳу-
зурига борди. Министр секретари—хушрўй-

гина қора кўз қиз сочи буткул оқарган, ақлли кўзлари доим кулиб турувчи новча, қотма аёлни дарров таниди.

— Сеньора Мария Тереса, марҳамат,— деди у, министр эшигини аста очиб.

Соқолли команданте Мария Тереса истиқболига оёққа турди, иссиқ кўришди ва ҳурматли сеньорани юмшоқ креслога ўтқазди.

— Китоб етишмаяпти,— деди Мария Тереса, дарҳол мақсадга кўчиб.— Кейинги кунларда юз мингдан ортиқ китобхон ёзилди. Янги китобларни сўрашяпти, Албатта, инқилоб... Ҳукумат очларга ош, ишсизларга иш бериши керак. Китоб қиммат. Пул сўрашнинг мавруди эмас. Шундай бўлса ҳам, сеньор команданте...

Министр Мария Тересанинг андишасига тушунди ва бундай деди:

— Сеньора Мария Тереса Фрейре де Андраде, масала пулни тежашда эмас, балки пулни ўринли сарфлашда. Революцион ҳукумат халқ маорифи ва маданияти учун маблағни аямайди!

Мария Тереса ўзида пўлат қанот пайдо бўлганини, ҳар қандай юксакликка парвоз этишга қодир эканини сизди.

Унинг бу қувончи ва ишончи кутубхонадаги ходимларнинг ҳаммасига кўчди.

Бир неча ой ичида ўн минглаб янги китоблар сотиб олинди.

Кутубхонада янги тўрт бўлим ташкил этилди.

Абонемент бўлими кундан-кунга қайнади. Батиста даврида кутубхонанинг совуқ залларида ишсиз ўтириб қариган қизлар энди

илмга чанқоқ минглаб кишилардан буюртмалар олар, то керакли китобларни топкунча кун кеч кирар, оқшомлар ҳам қолиб ишлашарди.

Музика бўлими очилди. Ноталар тартибга солинди. Болалар хори революцион қўшиқлар ўрганди. Шу ердан бутун оролга ажойиб оҳанглар тараладиган бўлиб қолди.

Пластика бўлимида революция болалари наққошлик, рассомлик, ҳайкалтарошлик санъатини эгаллай бошладилар.

Ўқитувчилар бўлимида халқ саводини чиқарувчи ёш муаллимлар дарсликлар, қўлланмалар билан таъминланадиган бўлиб қолди.

Мария Тереса идора ишларидан сал қўли бўшаши билан гоҳ у-гоҳ бу бўлимга кирази; музика эшитади, расмларни кўздан кечиради, ўқитувчи қизлар билан сўзлашади, қувади...

Ана шундай қизгин кунларнинг бирида Мария Тереса музика бўлимида болалар хорини тингларди. Негр, креол, мулат болалар, қизлар пианинога жўр бўлиб куйлашарди.

Озод Куба,
Фидель Кастро,
Сизга содиқ бўлиб қоламиз.
Душманлардан қўрқмаймиз
асло,

Биз Сьерра Маэстрада
Саф тортишиб чиқа оламиз!

Директорни телефонга чақиришди.

Трубкада Иқтисод министрининг салмоқли овози эшитилди:

— Сеньора Мария Тереса Фрейре де Андраде...

Мария Тереса соқолли командантеларнинг одоби ва маданиятига ҳар гал тан берар, айниқса улар ўз исм-аъмолини тўла айтганда азбаройи қувонганидан кўзларига ёш тўларди.

— Эшитаман, сеньор команданте!

— 26 Июль байрамини кутубхонангизда ўтказсак нима дейсиз?

— Маъқул, сеньор команданте. Қайси залга жой қилай?

— Халқ майдонга йиғилади. Бешинчи қаватдаги айвон минбар бўлади. Команданте Фидель ўша ердан нутқ сўзлайди.

Мария Тереса эшитган қулоқларига ишонмай:

— Команданте Фидель кутубхонага келадиларми?—деб такрор сўради.

— Шундай, сеньора Мария Тереса Фрейре де Андраде!

* * *

26 июль эрталабдан Миллий кутубхона олдидаги майдон халққа тўлди.

Соат ўн бирда Революцион ҳукумат аъзолари лифтда бешинчи қаватга кўгарилишди.

Хамма Фиделни кутарди.

Минбардаги министрлар нечундир кўкка тез-тез қараб қўйишарди.

Ниҳоят, ҳаво янграб, кутубхона тепасида вертолёт пайдо бўлди.

Вертолётнинг айвонга тик келаётганини кўрган Мария Тереса ваҳимага тушди.

Вертолёт аста пасайиб, айвон чеккасига қўнди.

Вертолётдан Фидель Кастро чиқиб келиб, аввал кутубхона директори билан кўришди.

— Байрам билан табриклайман, сенъора Мария Тереса Фрейре де Андраде!—деди команданте Фидель.

— Сизни ҳам, сенъор команданте.

Фидель Кастро халқ қийқириғи остида микрофон олдига келди.

Мария Тереса унинг нутқини қулоғига, миясига, юрагига қўйиб олди.

— Худди Суқрот каби,—деди команданте Фидель, — маорифни шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй ёйишимиз керак.

Доно раҳбарнинг содда сўзларини юз минглаб қишилар оёққа туриб эшитди.

Уша куни Фидель Кастро кутубхонани қаватма-қават, залма-зал томоша қилди. Болалар хорини эшитди. Ёш ҳайкалтарошлар санъатини кўздан кечирди. Рассомлар виставкасини кўрди. Ёш ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Ниҳоят, директордан сўради:

— Ишингиздан мамнунмисиз, ўртоқ Мария Тереса Фрейре де Андраде?

Мария Тереса биринчи марта ўзига айтилган ўртоқ сўзини эшитаркан, бу улуг сўзнинг аҳамиятини кўнгил тубидан идрок этиб, жавоб қилди:

— Мамнунман, ўртоқ Фидель Кастро!

«БУ УИ — МЕНИНГ УИИМ.»

Сьерра Маэстра тоғлари этагидаги Сант-Яго-де-Куба шаҳри оролнинг Кароиб денгизи соҳилидаги энг кўркем шаҳарларидан бири ҳисобланади.

Биз тунда келиб, шаҳар магазинларининг ёрқин витриналари ва порт маякларидан бошқа ҳеч нарсани кўролмаган эдик.

Тепалик устига яқиндагина Революцион ҳукумат томонидан халқ меъморчилиги услубида қурилган «Версаль» меҳмонхонасида мизғиб олиб, тонг ғира-ширасида тоққа кўтарилдик.

Ажабо, бу қадар гўзаллик шоирнинг тушига ҳам кирмайди: қуёш баркашининг қизғиш шўълаларида мовий кўрфаз сувлари ёрқин гулдасталардай товланяпти; портдаги пароходларнинг мачталарида қизил юлдузли Куба республикаси байроқлари ҳилпираяпти; соҳилдаги қанд заводининг оқ мўрилари ҳаёлий қасрнинг кумуш устунларидай йилтираб турибди.

Қирғоқлардаги ранг-баранг уйлар бири-бирдан анвойи; улар оқбадан пальмалар, сершоҳ арғувон дарахтлари билан ўралган; апельсин дарахтларида мевалар шода-шода

қизариб ётибди. Пляжларни айтмайсизми! Эртақлардаги мрамр ҳовузларни эслатади, уларнинг қирғоқларига Кароиб денгизи оқ тўлқинларини ўқтин-ўқтин отади...

Яқингача америкалик ва маҳаллий бойларнинг мулки бўлган бу истироҳатгоҳлар қуллар меҳнати туфайли яратилган.

Денгиз соҳилида, шаҳар қаршисидаги испан мустамлакачиларининг кўҳна Моро қалъаси қад кўтариб турибди.

Сант-Ягога биз борган кунларда Қўшма Штатлар босқини хавфига қарши шаҳар мудофаасига раҳбарлик қилиб турган команданте Раул Кастро Моронн томоша қилдирди. Унинг пастки хоналаридан бирида қудуқ бор экан. Қудуқнинг туби денгизга уланган экан. Чет эл мустамлакачиларига қарши исён кўтарган кубаликлар шу қудуққа ташланиб, денгизда наҳангларга ем бўлар экан.

Инсон қалбини ўртагувчи аянч ҳикоя!

Раул Кастро Моро қалъасида музей очилажagini, соҳилдаги уйлар халқ санаторийларига, мактабларига, болалар боғчаларига айлантирилганини сўзлаб берди.

Ана шу гўзал соҳил, обод уйлар, хилма-хил кемаларни томоша қилиб турганимизда қанд заводининг нариги ёғидаги бошқа манзарани—бир-бирига ёпишган қора кулбаларни, қорайиб турган ботқоқликни, эшак арава сиғмайдиган эгри кўчаларни кўриб қолдик.

Ҳайҳот, бу қандай ғариб манзара!..

Команданте Раул Кастро бизни ўша маҳаллага бошлади. Йўл-йўлакай у бизга қуйидаги маъшум тарихни баён қилди:

Мустамлака зулми ҳаддан ошган даврда, жаллод Батиста ҳукмронлик қилган қоронғи йилларда Кубада юз минглаб кишилар ишсиз, оч-яланғоч, уйсиз-жойсиз кун кечирган. Айниқса, негрларнинг аҳволи оғир бўлган. Шўрлик инсонлар ахлат яшиқларини титиб кун кўришга мажбур бўлган. Бунинг оқибати: касаллик, ўлим, вабо...

Негрлар маҳалласидаги эски уйларни кўздан кечирдик. Консерва банкаларининг тунукаларидан, парча-парча қоғозлардан, латталардан, ботқоқ гувалаларидан пальма шохларидан қурилган пастқам кулбалар!.. Эшиклар ўрнига қуроқ латталар осилган, туйнукларга эски қоғозлар тутилган...

Юрагингиз эзилиб, кўзингизга беихтиёр ёш келади.

Раул Кастро фожиали можароларни ҳикоя қилиб берди. Ишсиз негрлар эски-туски йиғадиган бўлишган. Шиша йиғадиганлар алоҳида, латта йиғадиганлар алоҳида, тунука йиғадиганлар алоҳида бўлган. Уларнинг бири иккинчисининг ишига аралашмаган. Мабодо очлик аралашшишга мажбур этса, иш муштлашиш, қон тўкишгача бориб етган.

Ана шу бечора, бахти қораларнинг шўрлик бошига революция қуёши ёрқин нурини сочди. Инсоний ҳақ-ҳуқуқ учун курашни бир минут ҳам тўхтатмаган, ўз муҳотида Антонио Масео каби қаҳрамон курашчиларни вояга етказган бу йўқсиллар Фидель Кастронинг революцион қўшинига азамат йигитларини кўнгил қилиб узатдилар.

Куба Халқ революцияси ғалаба қилди.

Революцион ҳукумат Сант-Яго қашшоқ-

ларини ҳам иш билан таъминлади. Фидель Кастро уларга:

— Кароиб денгизи қирғоғида давлат ҳисобига гўзал шаҳарча қуриб олинглар, — деди.

Биз ана шу янги маҳаллага келганимизда кеч кириб, у ер-бу ерда нуқра чироқлар чақнай бошлаган эди.

Бир-бирига мутаносиб кўчалар. Ёш дарахтлар ўтқазилган кенг майдон. Биз қўнган «Версаль» меҳмонхонасига ўхшаш, халқ услубида қурилган икки қаватли мактаб. Оқ, кўк, қизил, сариқ, зангори, новвот ранг бўёқлар билан зийнатланган бир қаватли алоҳида уйлар...

Шу уйларнинг биринчисига кирдик.

Бизни кекса аёл Кустина Кастильяна бир тўда болалари, набиралари билан кутиб олди.

Унинг яқиндагина саводи чиққан набираси уй эшигига йирик ҳарфлар билан қуйидаги сўзларни ёзиб қўйибди:

«Бу уй—менинг уйим, уни менга революция берди. Бу уйни мендан тортиб олиш учун аввал мени ўлдириш керак.»

Оддий кишилар юрагидан отилиб чиққан шу сўзларни тушунганимизни улардан таъсирланганимизни кўриб, Кустинанинг кўзларига севинч ёшлари тўлди.

Шундан кейин биз бошқа негрларнинг уйларини бирма-бир зиёрат қила бошладик.

Команданте Раул Кастро совет меҳмонларини бошлаб келгани ҳақидаги хабар шаҳарчага бир зумда тарқалди.

Кустина Кастильяна уйдан чиқишимиз-
даёқ кўча оломонга тўлган, икки қадам жи-
лиш амри-маҳол эди.

Шовқин-суронли гурунг бошланиб кетди.

Оёқ яланг қора қизлар, болалар командан-
тени ўраб олишди.

Раул Кастро жингалак сочли оёқ яланг
озғин боладан:

— Нечанчи синфда ўқияпсан?—деб сўра-
ди.

Бола қўнғироқдай товуш билан:

— Иккинчи синфда, сеньор команданте!—
деб жавоб берди ва қўшиб қўйди:—Револу-
цион ҳукуматга катта раҳмат!

Бошқа болалар чуввос кўтаришди:

— Мен ҳам иккинчидаман, сеньор коман-
данте!

— Мен биринчидаман!

— Мен ёзувдан беш олдим!

— Мен бахт сўзини ўқий оламан!

(Фидель Кастро 1961 йилни савод чиқариш
йили деб эълон қилиб, «Ҳар бир кубалик
Бахт сўзини ўқий олиши керак»—шиорини
ташлаган эди).

Биз мактаб томонга юрганимизда оломон
бир неча минг кишига етди. Шу тиқилинчда
базўр жилар эканмиз, командантени ўраб
бораётган негрлар уни саволга кўмиб юбориш-
ди:

— Раул, мен қачон янги уйга кўчаман?

— Команданте, завод қачон ишга туша-
ди?

— Раул, америкаликлар қачон тинчийди?

Раул Кастро шаҳарчада планлаштирилган
651 уйдан 400 таси қурилиб бўлганини, қол-

гани ҳам шу яқин кунлар ичида қурилиб бўлажагини айтди.

Революцион ҳукумат негрлар шаҳарчасида шарикоподшипник заводи қурыпти. Қурилишда шу ерлик аҳолининг кўп қисми ишла-япти. Завод ишга тушиши билан аҳоли иш билан бутунлай таъминланади.

Команданте учинчи саволга дарҳол жавоб бермади.

У анча ўйчан кўринар, аллақандай оғир ташвиш қалбини тимдалаётгани чехрасидан сезилиб турарди.

Биз эрталаб Раул Кастро кабинетида бир неча дақиқагина бўлган эдик. Шу қисқа муддат ичида унинг адъютантлари икки хабарни етказишди.

Америка ҳарбий самолёти Куба чегарасини бузиб кирибди. Революцион армия қирувчилари уни қувиб кетибди. Бу бир хабар.

Америка самолётидан Сьерра Маэстра тоғларига парашютларда контрреволюционерлар учун қурол-яроғ, ўқ-дорилар ташланибди. Бу иккинчи хабар.

Команданте биринчи хабарга илжайди қўйди. Аммо иккинчи хабар унинг ғазабини тошириб юборди.

— Сьерра Маэстрада контрреволюционерлар бор эмиш! Ифво! Бўхтон!.. Сьерра Маэстра—революция макони. Партизанлар курашининг бешиги бўлган Сьерра Маэстра!

Оддий негр чолнинг: «Америкаликлар қачон тинчийди?» деган саволи командантега бугун юз берган воқеаларни эслатди шекилли, у ўзини ўраган садоқатли дўстларига:

— Америкаликларнинг адабини бергани-

миздагина улар тинчийди!— деди. Революция ғалабаларини кўз қорачиғидай асрашимиз керак. Ё ватан, ё ўлим!

Янги мактаб олдидаги майдонни тўлдирган буюк оломон:

— Ё ватан, ё ўлим!—деб мағрур ҳайқирди...

Команданте бизни Антонио Масео уйига бошлади.

...Куба пойтахти Гаванада, Мексика кўрфази соҳилида қора мрамар заминга ўрнатилган отлиқ чавандоз монументи шаҳар устида юксалиб турибди.— Бу Антонио Масео.

Биз бу оташин паҳлавоннинг Сант-Ягоде-Куба эски шаҳаридаги уйига келдик. Бизни унинг набираси—50 ёшлардаги қора аёл Фалесита Масео кутиб олди.

Айвонда ўтириб, кофе ичдик.

Команданте бизга бу уй 1958 йил революцияси кунларида Коммунистик ташкилот штаби бўлганини сўзлаб берди.

Антонио Масео ҳақидаги ҳикоялар айтилди. Унинг онаси Марианнанинг шарафли ҳаёти нақл этилди.

Марианна Грахалеснинг олти ўғли, шу жумладан Антонио мустамлакачиларга қарши курашда ҳалок бўлган. Ана шунда Марианна жуда ёш еттинчи ўғлига қурол бериб:

— Бор, акаларингни ўрнини ол!—деган.

Биз Кубада бўлган кунларда Марианна номидаги қизлар батальони Сьерра Маэстра тоғларида америка империализмининг босқинчилик хавфига қарши, душманга қақшатқич зарба бериш учун тайёр бўлиб турарди!

Антонио Масео ва унинг онаси Марианна Грахалес тарихини эшитиб, янги ҳаёт бўстониغا қадам қўйган кубаликларнинг ғайратшижоатини кўриб, ғоят таъсирландим.

Ҳали ҳам Кубада кечирган кунларимни эсласам, эндигина саводи чиққан оддий негрнинг революция берган янги уй эшигидаги йирик ҳарфлар билан ёзилган: «Бу уй — менинг уйим», «Бу уй — сенинг уйинг Фидель!» деган сўзлари ёдимга тушади.

КАСИМИРО КАЛЕРО

Санта Клара — Куба оролининг марказидаги қадимий шаҳар. Тошкентдан Андижонга йўлга чиққан киши Қўқонда тунаб ўтганидек, Гаванадан Сант-Ягога йўлга чиққан киши Санта Кларада албатта тунаб ўтади.

Биз ҳам Санта Кларага кечга яқин етиб келиб, «Санта Клара Либре», яъни «Озод Санта Клара» меҳмонхонасига тушдик.

Шаҳар кездик.

Мева бозорида ва унинг қаторидаги ошпазлик дўконларида одам кўп. Шода-шода қизил мандаринлар, боғ-боғ бананлар, урганч қовунини эслатувчи «тарвуз-бомба»лар, апельсинлар, лимонлар... яна аллақанча анвоийи мевалар кўзингизни қамаштиради.

Йўл ёқасига тизилган ошпазлик дўконларидаги қозонларда ёғ қайнаяпти. Нима истайсиз: гўштми, балиқми, бананми?— Ошпаз қозондаги ёққа ташлаб беради. Айни вақтда ҳиди гуркираб турган узум сиркаси, Бешарифимизнинг оқ пиёзини эслатувчи чучук пиёз ва аччиққина қалампир билан сийлана-сиз.

Ана шундай дўконларнинг бирида овқатланиб бўлиб, мандарин шодасини билакка осиб олиб, арчиб ўтирган эдик, ҳамроҳларимиздан бири шу яқин ўртадаги кооперативларнинг бирига бориш орзусини билдирди. Дарвоқе, оқшомга ҳеч нарса планлаштирилмаган, вақтимиз бўш эди. Чарчаш нималигини билмайдиган шоферимиз Карлос ҳам кооперативга боришга тайёрлигини билдирди. Шу сабабларга кўра, таклиф бир оғиздан маъқулланди.

Санта Кларадан қоронғи туша бошлаганда чиқдик. Кубанинг вилоятларига олиб борадиган дала йўлларида революция аломатлари: шиорлар, плакатлар ва турли ёзувларга дуч келасиз. Булар ичида «ИНРА» деган ёзув деҳқонлар учун энг азиз ёзувдир. «ИНРА» — Аграр реформа институти демакдир. Бу ердаги институт сўзининг маъноси кенг бўлиб, қишлоқда революция деган мазмунни англатади.

Биринчи «ИНРА» ёзуви олдида тўхтадик. Шакарқамиш ортиб, энди жўнамоқчи бўлиб турган машиналардан бирининг кабинасига яқинлашдик. Елкасига автомат осган шофер кабинадан сакраб тушиб, биз билан саломлашди-да:

— Компаньеро совет?—деб сўради.

Биз унинг кароматига тан берганимизни айтиб, кооператив идорасига олиб борадиган йўлни кўрсатиб қўйишни илтимос қилдик.

Шофер бошини чайқади.

— Кеч бўлиб қолди. Маслаҳат бермайман...

Ҳамроҳимиз шофер Карлос мотори гурил-
лаб турган «кадиллак»ка ишора қилди. Яъни,
«машинамиз шай» деган маънони аңглатди.

Шофер чапга кетган йўлни кўрсатиб, Итау
қишлоғини сўрашимиз кераклигини айтди.

Шакар қамиш ортган карвон Санта Кла-
рага йўл олди.

Биз Итау йўлига бурилишимиз билан йўл
ёқасидаги пальмазордан икки автоматчи чи-
қиб, қўл кўтарди.

Карлос «кадиллак»ни тўхтатди..

Машина чироқлари ёруғида милиция соқ-
чиларини кўрдик. Уларнинг бири, думалоқ
юзини қалин соқол қоплаган, ўрта ёшлик бар-
васта лейтенант, иккинчиси, озғингина ёш бо-
ла эди.

Карлос меҳмонларнинг кимлигини, қаерга
бораётганини қизғин сўзлай кетди. Лейте-
нант унинг сўзларини кулиб тингларкан, ма-
шина ичидагиларни синчиклаб кўздан кечир-
ди. Милиционер бола эса автоматини маҳкам
ушлаганича қотиб турди.

Лейтенант болага йўл бераркан, шакар-
қамиш ортган машинанинг шофери айтган
Итау қишлоғига қўшимча қилиб, Моралис
Брито кооперативини сўранглар, деди.

Моралис Брито номини эшитган Карлос-
нинг кўзлари ёнди. Машинани дала йўлидан
учириб борар экан:

— Брито! Брито!..—деб ҳаяжонланиб таъ-
рифлади.—У Сьерра Маэстра тоғларида ку-
рашди. Санта Кларани Батиста жаллодла-
ридан озод қилишда қатнашди... Шу жанг-
ларнинг бирида ҳалок бўлган эди. Новча,
қотма, озғин, ўйчан, ақлли йигит эди Брито...

Карлос бир оз жим қолди. Хўрсинди. Иккига бўлинган йўлнинг қайсисига юришини билмай, машинани тўхтатди.

Яна ғойибдан автоматчилар пайдо бўлди. Бу гал милиция соқчилари фақат қизлар эди. Улар бир зумда машинани ўраб олишди.

Карлос машинадан сакраб чиқиб, қизлардан Моралис Брито кооперативини сўради.

— Унга,— деди погониди учта юлдузи бўлган қиз — милиция биринчи лейтенанти.

Яна жилдик.

Уфқни қоронғилик буткул қоплади. Боғлардаги мандарин дарахтларини садарайхондан фарқ қилиб бўлмай қолди. Текис йўл тугаб, гоҳ тепага чиқиб, гоҳ пастга туша бошладик. Милт этган чироқ кўринмайди. Йўл қирғоқларида ёлғиз автоматчилар кўзга ташланади. Улар машинамиз кетидан қарайди-да, аллақаяққа ғойиб бўлади.

Карлос ҳамон ўйчан.

— Олов йигит эди,— деди аллаким билан сўзлашаётгандай.— Энди кооперативнинг оти... Брито! Брито!..

Ярим соатча юрганимиздан кейин кенг тепа устида оқ уйлар кўринди.

— Моралис Брито!— деб қичқириб юборди Карлос.— Дўстим Моралис Брито!..

Моралис Брито қишлоғи уч-тўрт қатор оқ уйлардан иборат бўлиб, битта ҳам чироқ кўринмас, бу уйларнинг янгигина қурилгани, ҳали электр келтириб улгурилмагани сезилиб турарди.

Биз машинадан тушишимиз билан яна бир тўда автоматчилар ўраб олишди. Аммо булар армия солдатлари ҳам, милиция аъзолари

ҳам бўлмай, қуроолланган оддий деҳқонлар эди. Уларнинг ичидаги энг новча, барваста киши машинага яқинлашиб:

— Сеньорлар, ҳужжат!— деди.

Карлос қўл фонарини ёқиб турди, биз ҳужжатларимизни кўрсатдик. Барваста киши энди савод чиқараётган бўлса керак, хатни узун бурни тепасига олиб бориб, ҳижжалаб ўқиди.

Юраги тор Карлоснинг сабр косаси тўлиб:

— Бўлди-да! Ҳижжалаганинг билан ёғи чиқади!— деб тўнғиллади.

Новча киши унинг қўпол муомаласига парво ҳам қилмай, ўқишда давом этди. Бошқа қуроолли деҳқонлар турган ерларида қотиб туришди.

Барваста киши ҳамма ҳужжатларни бирма-бир кўздан кечириб қониқди шекилли, кенг тин олиб:

— Бу бошқа гап!— деди ва қўшиб қўйди:— Марҳамат, сеньорлар!

Кўришдик.

— Сиз ўзингиз ким бўласиз?— деб сўрадик новча кишидан.

— Менинг отим Касимиرو,— деди у,— Касимиро Калеро. Моралис Бритонинг оғайнисман. Қўлимда жон берган...

Карлосга қарадим. Йигитнинг қисик кўзлари яна ёниб, Калеронинг елкасини қоқди:

— Кечир, ошнам, қўполлигимни кечир!..

Касимиро Калеро Карлосга бу гал ҳам индамай меҳмонларга тикилиб тураверди.

Ҳамроҳларимиздан бири суҳбатни жонлантириб юбориш учун савол ташлади:

— Халқнинг бойлиги нима?

— Халқнинг бойлиги — Куба! — деб жавоб қилди Касимиرو дафъатан.

Савол берган киши: «Кооперативнинг асосий экини нима?» деб сўрамоқчи эди, Касимиро бошқача тушунди.

Чироқсиз қишлоққа тунда келган чақирилмаган меҳмонларга ҳамон шубҳаланиб қараб турган оддий деҳқоннинг: «Халқнинг бойлиги — Куба» деган сўзлари зўр маънога эга эди. Ҳар бир мамлакат халқининг бойлиги — унинг ўз мамлакатидир. Йўллардаги қуроли кишиларнинг ҳушёрлигига боис ҳам шу. Агар америка империализми Кубага босқин тайёрламаганда эди, агар халқ душманлари, террорчилар уйларни, корхоналарни, шакар-пояларни ёндирмаганда эди, соқчи қизлар, автоматчи йигитлар, қоронғи йўлларда эмас, ёруғ, шинам мактабларда, дастгоҳлар ёнида, университет дарсхоналарида бўларди.

Касимиро Калерони сал юмшатиш учун гапни уйга бурдик.

— Компаньеро Калеро, бу уйлардан сизга ҳам тегса керак-а?

— Тегади, сеньор. Хотиним, тўрт болам бор. Менга уч хоналик уй тегади.

— Сизга-чи? — Касимиронинг ёнида турган пакана автоматчидан сўрадик.

Унинг индамай турганини кўрган Калеро далда берди.

— Галир, Рестурато Ковреро!

— Менга тўрт хоналик уй тегади, сеньорлар, — деди Ковреро кўзлари чақнаб. — (Ошхоналик, сувлик, ванналик, электрлик, газлик

уй тегади!— Кейин қўшиб қўйди.— Ун бир, болам бор. Жўжавурдай жонман.

Боя савол берган ҳамроҳимиз Қасимиродан яна сўради:

Нималар эякпсиз?

— Нўхатни йиғиб олдик. Сабзавотимиз ҳам мўл бўлди. Фидель маланга¹ экинглари, деди. Эдик. Йиғиб улгуролмаяпмиз. Деҳқонларнинг нони — маланга!

Мен Қасимиронинг сўзларини дафтарга ёзиб ола бошладим. Бунини кўриш билан у Карлос тутиб турган қўл фонарига эгилиб, лўнда-лўнда сўзлай кетди.

— 173 уй қурдик. Ёзинг!

Ёздим.

— Биз мактаб, клуб магазин қурапмиз. Ёзинг!

— Ёздим.

— Халқимиз бу йил саводини чиқариб олади. Ёзинг!

— Ёздим.

Қасимиرو бирдан очилиб, чеҳрасига кулги ёйилди.

— Кундузи келсангиз, боғларимизни кўрсатардик,— деди у.— Меваларимиздан татиб кетардингиз!

— Ёзайми?

Қасимиру жилмайиб, елкамга қоқди.

Бу ажойиб табиатли деҳқоннинг ўз кооперативи ишларини зўр бериб тарғиб қилаётганини кўрган ҳамроҳларимиздан бири Қасимиродан:

¹ Илди: картошка. Жуда ширин, серҳосил бўлади.

— Коммунист эмасмисиз?— деб сўради.

— Агар революцион ҳукумат коммунист бўлса, агар Фидель Кастро коммунист бўлса,— деди Касимиرو Калеро жиддий бир қиёфада,— унда мени ҳам коммунист деб ҳисоблай беринглар!

Қоронғида аллаким патнус кўтариб келди. Касимиро мис қумғондан чашкаларга ширали қоп-қора кофе қуйди. Маза қилиб ичдик.

Бизни даставвал совуқ қабул қилган Касимиро Калеро ва унинг дўстлари билан суҳбат охирида иссиқ хайрлашдик. Санта Кларага қайтгунча йўлнинг бир неча ерида шакарқамиш ортган машина карвонларига дуч келдик.

Бу карвонлар Моралис Брито кооперативининг ҳосилини давлат омборларига элтаяпти.

Халқ ўз бойлигини ўзи бошқараяпти, қўриқлаяпти, кўпайтираяпти.

Шу карвонларни кўрганда елкасига автомат осган барваста Касимиро Калеронинг: «Халқ бойлиги — Куба» деган сўзларини беихтиёр эсладим.

ОЛЬГА ГЕВАРРА

Нарлоснинг етти ухлаб тушига кирмаган ҳодиса юз берди.

Бутун Кубада ўзини биринчи шофер деб ҳисоблагувчи Карлос келиб-келиб Ольга исмли шофер қиздан дакки еди.

Воқеа бундай бўлди.

Карлос ёгдай йилтиллаб турадиган янги «кадиллак» машинасида меҳмонларни тоғдаги Камило Сьенфуэгос шаҳарчасига кечаси етказиб келди.

Меҳмонлар шу ерда бир ёш ўқитувчи уйида тунашди.

Эрталаб нонуштадан кейин Сьерра Маэстра тоғларининг энг баландларидан бирига — Минас дел Фриога чиқиш керак бўлиб қолди.

Карлос автомобиль пойгаларида уч марта қатнашиб, ҳар учаласида ҳам енгиб чиққан бўлишига қарамай, чўққилар оралаб кетган илонизи йўлларда унинг «кадиллаги» эшакча қадрга эга эмас. Автострадаларда соатига 200 километр йўл босадиган елқанот машина харсангдан харсангга сакраш у ёқда турсин,

тик давлонларнинг биринчисидаяқ ҳорғин туядай чўкади-қолади.

Камило Сьенфуэгос шаҳарчаси қурилишининг бошлиғи капитан Арбусио «кадиллак» ни кўздан кечирди-да, Карлосга деди:

— Машинангиз ҳордиқ чиқаргани маъкул. Сиз ҳам дам олинг.

— Меҳмонларни тоққа ким олиб чиқади?— Карлос ташвишланиб сўради.

— Машина ҳам, шофер ҳам бор,— деди Арбусио, Карлоснинг елкасига қоқиб.

Шу вақт меҳмонлар нонушта қилаётган ошхона олдида қўнғиздай «жип» келиб тўхтади-да, ундан йигирма ёшлардаги, ҳарбий кийим кийган, ўрта бўйли, кулча юзли, хушрўйгина бир қиз сакраб тушди.

— Ана, Ольга Геварра ҳам келиб қолди,— деди капитан Арбусио ва қўшиб қўйди:— меҳмонларни шу қиз тоққа олиб чиқади.

Карлос ишонмади. Унинг кўзларидаги таажжуб, капитан Арбусионинг гапини ҳазилга йўйганини кўрсатарди.

— Минас дел Фрио қаёқда-ю, она сути оғзидан кетмаган қиз бола қаёқда!— Карлос истеҳзоли кулди.— Машинани менга беринг, сеньор капитан, меҳмонларни тоққа ўзим олиб чиқаман!

— Сиз бу тоғларни билмайсиз, оғайни,— капитан Арбусио мулоим жилмайиб сўзлади.— Ольга Геварра билади!

Бу ердаги гап-сўздан хабарсиз бўлган Ольга Геварра чап қўлини баланд кўтариб, ошхонадагилар билан саломлашар, ўнг қўли билан биқинидаги тўппончасини маҳкам ушлаб олган эди.

Афтидан, уни бу ердагиларнинг ҳаммаси таниса керак. Наинки, кофе қайнатаётган негр жувондан тортиб, нонушта қилиб ўтирган йигиту қизлар ҳаммаси Ольга Геварра билан қўл бериб иссиқ кўришдилар.

Карлос қизнинг хушмуомаласи, одамжонлигини кўриб қувониш ўрнига, нечундир, кўнглига ғашлик тўлди. «Мендек моҳир шофер турганда, меҳмонларимни шу паканагина, нимжонгина қиз тоққа олиб чиқадими? — дерди у ўзига ўзи. — Мендек чемпион шаҳарда қолиб, тоғ йўлларида машинани аллақандай бир қиз ҳайдайдими?»

Аммо бу ерларда Карлоснинг сўзи ўтмайди. Камило Сьенфуэгосда капитан Арбусионинг айтгани бўлади. Карлос интизомга бўйсунишга мажбур.

Қора кўзларидан ўт ёниб, қип-қизил юзидан нур томиб турган қиз меҳмонлар билан сямимий кўришди. У Карлосга ҳам қўл узатди. Йигит унинг қўлини бўшгина олган эди, Ольга Геварра шунақа бир қисдики, бечора Карлоснинг лаби буришди.

Меҳмонлар машинага чиқишди.

Ольга Геварра моторни янгатди.

Ана шунда Карлос капитан Арбусиога ёлворди:

Сеньор капитан, ижозат беринг, мен ҳам борай!

— Бора қолинг!

Машина Камило Сьенфуэгос шаҳарчасидан пастга ўрмалаб тушди-да, бирдан шердай ҳайқириб, юқорига — биринчи довои чўққисига интилди...

Карлос ўзини оддий пассажирдай тутиш-

га, бегона шофернинг ишига аралашмасликка қарор берди. Шунинг учун ҳам, индамас, сигарасини чўғлатиб тортгани-тортган эди.

Учинчи довондан кейин йўл оғирлашди. «Жип» тошдан-тошга сакраб, эсини йўқотган мастдай бесўнақай рақс эта бошлади.

Нечундир, Карлоснинг миясида «Ольга Геварра ўргамчик шофер бўлса керак», деган фикр туғилди. «У машинани яхши билса, хатарли йўлларда бунақа қалтис юргизмасди...»

Карлос «бегона шофернинг ишига аралашмайман» деган қароридан қайтиб, Ольга Геварранинг ишига аралаша бошлади.

Чунончи, Ольга Геварра навбатдаги довон тепасига иккинчи тезликда ҳайдаб чиқаётганда, Карлос:

— Биринчи тезликка олсангиз бўлмайdimи?— деб гап отди.

— Бўлади, сеньор,— деди Ольга Геварра. Аммо қизи тушмагур ўз билганича иккинчи тезликда чиқа берди.

Ёки, машина жар ёқалаб кўтарилаётганда Карлос Ольга Геваррага:

— Чапроқдан юрсангиз бўлмайdimи?— деб маслаҳат берди.

— Бўлади, сеньор.

Ольга Геварра мийиғида кулиб, «жип»ни яна ўз билганича ўнг ёқдан ҳайдай берди.

Карлос яна бир қанча маслаҳатлар берди. Ольга эса, «ҳа, сеньор», «бўлади, сеньор» каби умумий жавоблар билан кифояланар, аммо ўз билгисидан қолмасди.

Ўз сўзини Ольгага зиғирча ҳам ўтказолмагани Карлосга алам қилди. Бир соат ичи-

да учинчи сигарани чўғлатаркан, қизни: «Ол, ҳайдасанг — ҳайдай қол!»— дейишга мажбур этиш учун бўлса керак, Карлос тактикасини ўзгартирди-да, ваҳимали ҳикоялар айта бошлади.

— Пойгаларнинг бирида,— деди Карлос, сигарасини Ольганинг қулоғи тагида тутатиб,— ана шунақа жар устида елиб борардик. Рақибим менинг олдимда моторини бўкиртирар, йўл бермасди. Нима бўлганини билмайман, бироқ, алланима гурсиллаб, у кўринмай қолди. Қарасам: йўл бўш... Рақибим жарга қулабди... Қайсарлик оқибати шунақа бўлади!.. Эҳ, азамат йигит эди у!..

Ольга Геварра бу воқеанинг нима мақсадда ҳикоя қилинганини тушунди шекилли, мийиғида юмшоққина жилмайиб қўйди.

— Мексикадаги пойгада ҳам шундай воқеа бўлган эди,— Карлос энди асабийроқ сўзлади.— Йигирма эркакка бир қиз ҳамроҳ бўлди. Мен унга: «Қўйинг, биз билан баслашманг», дедим. Кўнмади. Сочини берети тагига босиб, яшил кўзойнагини тақди. Биринчи километрда мен билан ёнма-ён борди. Тоққа чиқдик. Худди шунақа йўл эди. Мендан ўзмоқчи бўлиб тезликни оширди. Йўл эгри, тошлоқ эди. Сигнал бериб, уни огоҳлантирдим. Қулоқ солмади. Натижада, машинаси харсангга урилиб пачоқланди. Бахти бор экан, ўзи омон қолди. Фақат бир қўлини қирқиб ташладилар...

Ҳикоя шу ерга етганда Ольганинг «жип»и оқбадан пальмалар тагидаги чодирлар ёнидан ўтди. Саф тортиб машқ қилаётган қуролли қизлар уни кўриш билан баробар

қийқириб, табрикладилар. Ольга Геварра ҳар қачонгидай чап қўлини баланд кўтариб, қизлар билан саломлашди.

— Улар кимлар?— деб сўрадик шофери-миздан.

— Марианна Грахалес номидаги қизлар батальонининг жангчилари,— деди Ольга Геварра фахрланиб.— Ўз номига муносиб батальон!

Мен бу батальонни Куба революциясининг икки йиллигига бағишланган парадда, Гаванадаги Хосе Марти майдонида кўрган эдим. Ҳа, бу ўша автоматчи қизлар батальони!.. Батальон олдида унинг командири — биринчи лейтенант Ольга Геварра ўтган эди. Бу қаҳрамон қиз Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни ҳурмат қилиб, тоққа ўзи олиб чиқяпти. Наҳотки, Карлос шундан хабарсиз бўлса?

— Саргузаштларингизни эшитдим,— деди Ольга Карлосга.— Чиндан ҳам автомобиль пойгаси хатарли иш. Мен пойгада қатнашмаганман. Аммо жангда қатнашганман. Ҳозир сиз кўрган қизлар ҳам жангда қатнашган. Шуларнинг ҳар бири ўқиши, ишлаши, турмушга чиқиши, она бўлиши мумкин эди... Бунинг ўрнига солдат кийимини кийиб, автомат осиб юришибди. Куба осмонидаги булутлар уларнинг бахтига соя ташлаган. Ҳов анави танкни қаранг-а!

Ольга Геварра тоғ бағрига ёнбошлаб қолган пачоқ танкка қўли билан ишора қилди.

— Жаллод Батиста танки... То у пачоқлангунча қанча жонларни қирди. Уни ва

унга ўхшаш танкларни, тўпларни, самолётларни пачоқлашда Марианна Грахалес батальонининг қизлари ҳам қатнашди. Ватан учун жон берган йигирма минг қахрамоннинг қанчаси қизлар эди... Уларнинг сурати ҳамон кўз олдимда...

Ольга Геварранинг кимлигини Карлос энди тушунди. Унинг ранги оқарди. Узр сўради.

— Кечиринг, сенъора биринчи лейтенант, танимабман.

— Энди шоферларга келайлик,— деди Ольга сўзида давом этиб.

— Сьерра Маэстрада кейинги бир йил ичида саккизта автомобиль аварияси бўлди. Шулардан еттитасини йигитлар қилди. Саккизинчисини мен қилдим. Шунда ҳам ноиложликдан: машинани сойга бурмасам, сизга ўхшаган бир йигит пачоқларди...

Карлос анча вақтгача индолмай қолди.

Биз Минас дел Фриога «жип»да кўтарилолмадик. Чўққига ярим километр қолганда машина мотори тортолмади. Пиёда чиқишга қарор бердик. Аммо, қарасангиз шапкангиз учадиган тик чўққига беш юз метр кўтарилиш ҳазилакам иш эмас. Дастлабки икки юз метрдаёқ қора терга ботдик. Чунончи, Карлоснинг суроби тўғри бўлиб, бир харсанг устига ўтириб олди. Биз ҳам унинг ёнига чўққайишдик. Фақат Ольга Геварра тик турар, юзи қипқизариб бўртган бўлса ҳам, чарчаганлиги билинмасди. У Карлоснинг тепасига келиб, йигитнинг елкасига қоқди:

— Туринг, чемпион, кетдик!

Карлос қизнинг кетидан йўлга тушди. Биз ҳам эргашдик.

Эллик қадам юрдик.

Шерикларимиздан бири ҳарсиллаб:

— Тамакининг зарари ана шу ерда билинди,— деди.

Иккинчи бир ҳамроҳимиз:

— Ичкиликнинг чиқарганнинг... деб пўнфиллади.

Карлос катта бир тошга ёнбошлаб, яна сизгара тутатди.

Ольга Геварра йўлдошларига далда берди.

— Биз чиқаётган ер ҳали ҳеч гап эмас,— деди у.— Ҳов нариги чўққига қаранглар-а!

Биз жарнинг нарёғидаги қояга қарадик.

— Туркино!— деди қиз фахрланиб.— Энг юксак тоғ! Қайси бир солдат унга яёв чиқса, офицерлик унвонини олади.

— Сиз чиққанмисиз?— сўрадик биринчи лейтенантдан.

— Чиққанман.

Карлос ўрнидан туриб, икки қўлини баланд кўтарди. Бу— унинг Ольга Геваррага таслим бўлгани эди.

Биз оз дам олганимиздан кейин Минас дел Фрио томонга яна бир интилдик.

Бу гал автомобиль пойгасининг чемпиони Карлосни Ольга Геварра суяб олди-да:

— Нечанчи тезликда олиб чиқай?— деб кулди.

Бечора Карлоснинг гапиришга мажоли қолмаган эди...

КАПИТАН АРБУСИОНИНГ УҒЛИ

Эрнесто, ўн уч яшар озғин, пакана бола, товуқхонадан похол қалпоғида тухум тўлдириб чиқди.

— Эрнесто!

— Лаббай, дада!

— Кел, дарров ботинкангни кий. Кетамиз.

— Қаёққа кетамиз, дада?— деб сўради у, автоматини ёглаб ўтирган дадаси — капитан Арбусиодан.

— Тоққа. Фидель Кастро ҳузурига.

Эрнесто Фидель Кастро партизанларининг Сьерра Маэстра тоғларида жаллод Батиста армиясига қарши курашаётганини дадаси эшитган, капитан Арбусио Фидель Кастронинг жанговар ёрдамчиларидан бири эканини биларди. Шунинг учун ҳам дадасининг сўзларидан қувониб:

— Ҳозир кийинаман!— деди-да, чопқиллаганча уйга кириб кетди...

Эрталабдан бери жўхоризорда ўтоқ билан машғул бўлган Жулия уйига нонушта қилиш учун келганда елкасига автомат осган эри — капитан Арбусио ва шимининг почасини ботинкасининг қўнжига тиқиб, похол қалпоғини

бошига бостириб кийиб олган ўғли Эрнесто-
нинг йўлга отланишганини кўрди.

— Эрнесто ҳам мен билан тоққа кетади,—
деди хотинига капитан.

— Болага раҳминг келсин,— Жулия эрига
ёлворди.— Энди ўн уч ёшга кирди... Ахир
ўғлингни ўққа тутиб берасанми, Арбусио?

— Қўрқма, Жулия,— капитан Арбусио
оталарга хос дадиллик билан жилмайди.—
Эрнестомиз энди йигит бўлиб қолди. Шун-
дайми, Эрнесто?

Эрнесто нон, апельсин тухум солинган
сумкани елкасига оса туриб, оёисини юпат-
ди:

— Ташвишланманг, ойижон. Батистани
енгиб келамиз!

Жулия ўғлини қучоқлаб, йиғлаб хайр-
лашди:

— Ўзингга эҳтиёт бўл, Эрнесто. Дайди
ўқдан худо асрасин!

— Кўришгунча хайр, Жулия!— деди хо-
тинига капитан Арбусио.— Эрнесто келиб
туради.

Ота-бола жўхоризор оралаб, узоқларда
кўм-кўк кўкариб турган юксак тоғларга
қараб кетишди...

Жулия помещикнинг даласида эртадан
кечгача ишларди. Кунлар, ҳафталар ўтди.
Лекин Эрнестодан дарак бўлмади. У эрининг
қаҳрамонлигини билгани учун ундан кўнгли
тўқ бўлса ҳам, ўғлининг ёшлиги, парвосиз-
лигидан хавотирланар, кечалари ухламай
чиқарди,

Иссиқ ёз ўтиб, ёмғирли куз бошланди.

Кунлардан бир кун Жулия ишдан кеч

қайтиб, уйининг эшиги очилиб қолганини, ичкарида аллаким юрганини кўрди-да, ҳайрон бўлди.

Уйдан узун қора сочли чиройли қиз чиқиб келди.

— Қизим, бировнинг уйида нима қилиб юрибсиз?— деб сўради Жулия, бегона қизни қоронғида танимасдан.

Қиз хахолаб кулиб юборди.

Жулия уни овозидан таниди. Узун сочли қиз — қиз эмас, унинг соч қўйган ўғли Эрнесто эди!

Жулия ўғлини бағрига босиб, унинг ўғил болалар учун ғайри-табиий сочини кўз ёшлари билан ювди.

Жулия Эрнестонинг деворга осиглик автоматини, қиз аскарлар киядиган ҳарбий кийимини кўргандан кейин ҳайронлиги яна ҳам ошди.

— Нега соч қўйдинг, ўғлим?— деб сўради Жулия.

Соқолим чиқмаса, нима қилай, ойижон!— Эрнесто кулди.— Тоғдаги озодлик жангчилари соқол қўйишган. Дадамни кўрсангиз — танимайсиз, соқоли бир қарич. Мен соч қўйдим. Марианна Грахалес қизлар батальонининг разведкачиси бўлиб ишляпман.

Эрнесто чарм сумкасини очиб, онасига келтирган совғасини — тоғда ўзи терган бир халта кофени берди. Кейин у онаси билан овқат қила туриб, Марианна Грахалес батальонининг тузилиш тарихини сўзлаб берди.

Фидель Кастро партизанлари кўпайиб, бир неча минг кишига етибди. Улар взводлар, роталар, батальонларга бўлинибди. Партизан

қизлардан бир батальон тузилиб, унга Куба халқининг қаҳрамон курашчиси Антонио Масеонинг онаси — Марианна Грахалес номи берилибди.

Капитан Арбусио ўз ўғлини шу батальон командири — биринчи лейтенант Ольга Геваррага топширибди. Геварра эса, Эрнестони разведкачи қилиб тайинлабди.

Эрнестонинг соч қўйиши нимага керак бўлиб қолганини онаси энди тушунди.

Еш разведкачи Эрнесто душманлар жойлашган ерларга деҳқон қизи кийимида борганини, анчагина муҳим маълумот олганини, унинг разведкаси тоғдаги позицияларни эгаллашда ёрдам қилганини сўзлаб берди.

Эрнесто кечаси балиқчилар посёлкасига кетди. Тонгга яқин қайтди. Онасини уйғотиб, тезда тоққа, ўз батальонига кетиши зарур бўлиб қолганини билдирди. Жулия йўлганон, апельсин берди, эрига салом йўллади, ўғлига оқ йўл тилади...

Эрнесто шу кетганча бедарак кетди.

Орадан бир неча вақт ўтгандан кейин Фидель Кастро армиясининг ғалабалари ҳақида хабарлар кела бошлади. Оролнинг у ер-буреда ишчиларнинг иш ташлашлари кўпайди; деҳқонларнинг қўзғолонлари ҳар кунги воқеа бўлиб қолди. Бир вақтлар Эрнесто кечаси бориб келган балиқчилар посёлкаси партизанлар штабига айлангани маълум бўлди.

Орадан яна бир неча кун ўтгандан кейин Фидель Кастронинг озодлик батальонлари шаҳарларни бирма-бир олаётгани Сьерра Маэстра радиосидан хабар қилиб турилди.

Ниҳоят, Жулия уйи яқинида ҳам пулемёт

товушлари эшитила бошлади. Помешчик кўч-кўронини «кадиллак»ка ортиб қочди.

Уша куни тонгда капитан Арбусио батальони Батиста каллакесарларини янчиб, қишлоққа кириб келди. Капитан ўз уйига кириб, хотини билан кўришди, уни озодлик билан табриклади.

— Эрнесто қани?— деб сўради Жулия эридан.— Нега уни ўзинг билан олиб келмадинг?

— Эрнесто — бошқа батальоннинг жангчиси,— деб жавоб берди капитан Арбусио, чиниққан офицерларга хос босиқлик билан.— Унинг батальони Сьерра Маэстра тоғларини қўриқлаб қолди.

Куба революцион озодлик армиясининг бош қўмондони команданте Фидель Кастро-нинг буйруғи билан ғалаба куни —2 январда Гаванада ҳарбий парад ва халқ намоиши ўтказилди.

Капитан Арбусио Жулияни ҳам республика пойтахтига олиб кетди.

Жулия Хосе Марти ҳайкали тагидаги мармар минбарда туриб, майдондан ўтаётган батальонларни, уларнинг соқолли командирларини, офтобда қорайган жангчиларини томоша қилди.

Олдинги колонналардан бирида Марианна Грахалес қизлар батальони ўтди. Жулия колонна олдида шахдам қадам ташлаб кетаётган ширмон юзли офицер қизни кўрди, унинг яшил поғонидаги юлдузларга қараб, «батальон командири Ольга Геварра шу бўлса керак», деб ўйлади.

Ольга Гаварранинг ёнидаги наст бўйли,
чиройли қиз Жулиянинг ўғли Эрнесто эди.

Онанинг соғинган кўзларига севинч ёш-
лари тўлди...

* * *

Мен яқинда Кубага борганимда афсона-
вий Сьерра Маэстра тоғларига чиқдим. Уша-
ерда Фидель Кастронинг курашда ҳалок бўл-
ган қаҳрамон сафдоши Камило Сьенфуэгос
номига қўйилган мактаб шаҳарчасида капи-
тан Арбусионинг ўғли Эрнесто билан тасоди-
фан учрашиб қолдим.

Эрнесто шаҳарчадаги мактаблардан бири-
да ўқияпти. У энди ўн беш ёшга кирибди.
Сочини олдириб ташлабди.

Анча суҳбатлашдик. Эрнесто менга ўзи-
нинг қисқа, лекин ҳаяжонли кураш тарихини
сўзлаб берди. Чўнтагидан фотосурат олиб
кўрсатди. Сочи бор вақтида, қизлар баталь-
они формасида тушган сурати...

Эрнесто мактабга қатнаётган бўлса ҳам,
автоматини қўлидан қўймайди. У менинг:

— Нега автомат кўтариб юрибсиз?— де-
ган саволимга:

— Агар америка босқинчилари ватанимга
бостириб кирса, ер тишлатаман!— деди.

МУНДАРИЖА

Команданте Фидель	3
Тони Гарсиа	17
Мария Тереса	28
„Бу уй — менинг уйим“	38
Касимиرو Калеро	46
Ольга Геварра	54
Капитан Арбусионинг ўғли	62



Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1962

Редактор *И. Гофуров*
 Рассом *Р. Левицкий*
 Расмлар редактори *Г. Остапенко*
 Техн. редактор *Я. Хаимов*
 Корректор *А. Сулайманов*

* * *

Босмахонага берилди 6/VIII-1962 й. Босишга рухсат эти-
 ди 16/IX-1962 й. Формати 70×90^{1/32}. Босма л. 2,125. Шартл
 босма л. 2,49. Нашр, л. 2,47. Индекс 61а. Тиражи 6000
 (иккинчи завод 15001—60000). УзССР Давлат бадний адаби
 нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 178—6

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1-босмах-
 наси Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1962 й. Заказ № 471.
 Баҳоси 7-т.